



Вилоят ҳокимининг 2016 йил
19 февралдаги 18-ф-сон
фармойишига илова

8 Март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1. Хўжаннёзова Ш. Вилоят ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, вилоят ишчи гуруҳи раҳбари
2. Абдикаримова С. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоят ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари
3. Маламинов Ш. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
4. Сапаев О. Урганч шаҳар ҳокими
5. Қличев А. Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мажмуаси бош мутахассиси, ишчи гуруҳи масъул котиби
6. Худайназаров Э. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи
7. Зайтов А. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи
8. Тангрибердиев К. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
9. Джураев Р. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи
10. Бекчанова Д. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
11. Шокиров А. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Хоразм вилояти мухбири
12. Мақтурбанов Ў. “Хоразм” телерадиокомпанияси директори
13. Сапаев Х. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси вилоят бўлими раҳбари
14. Жаббаров Р. Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси
15. Абдиримов Б. “Камолот” ЕИХ вилоят кенгаши раиси
16. Ражабов О. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси
17. Авезов А. Огаҳий номли вилоят театри директори в/б
18. Раджапова Н. Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси

№ 18ф 2016 йил

№ 18ф

Урганч ш.

Нусха №

Вилоятда 8 Март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 февралдаги 115-ф сонли фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. 8 Март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят ишчи гуруҳи 3 кун муддатда 8 Март – Хотин-қизлар кунини бадиий - ташкилий жиҳатдан муносиб равишда ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг бажарилишини таъминласин.


3. Урганч шаҳар ҳокимлиги вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда 8 Март – Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбирини ташкил этилишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, байрамни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Урганч шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджетига ҳамда хомийлар хайриялари ҳисобига қопланади.

4. Урганч шаҳар ва туманлар ҳокимликлари 8 Март – Хотин-қизлар кунини муносабати билан тегишли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказишни белгиласинлар. “Соғлом она ва бола йили” муносабати билан жойларда ушбу кунга бағишланган байрам тадбирларини юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминласинлар.

5. Вилоят телерадиокомпанияси (Мақтурбанов), “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (Раҳимберганова)га 8 Март – Хотин-қизлар кунини байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаннёзова ва вилоят ҳокими ўринбосари С.Абдикаримова ахборотларига тақдирлансин.



Вилоят ҳокими П.Бобожонов